

«Агар аҳлинг хоҳласа, уларга уни бир мартада санаб бериб, сени озод қилсам, вало менга бўлса, (шу ишни) қиламан», дедим.

Бас, у бориб, аҳлига буни зикр қилган эди, улар вало ўзларидан бошқага бўлишидан бош тортдилар. У олдимга келиб, бўлган нарсани зикр қилди, мен рад қилдим. Шунда у:

«Аллоҳга қасамки, йўқ экан-да?!» деди.

Бас, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эшитиб, мендан сўрадилар, мен у зотга хабар бердим. У зот:

«Уни сотиб ол! Уни озод қил! Уларга валони шарт қил. Чунки вало озод қилганниқидир!» дедилар.

Бас, шундай қилдим. Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кечки пайт хутба қилдилар. Аллоҳга, У Зотга муносиб ҳамду сано айтдилар. Сўнгра:

«Аmmo баъд: Одамларга нима бўлдики, Аллоҳнинг Китобида йўқ шартларни қўядилар. Аллоҳнинг Китобида йўқ ҳар бир шарт, агар у юзта шарт бўлса ҳам, ботилдир. Аллоҳнинг Китоби ҳақлидир! Аллоҳнинг шарти ишончлидир!» дедилар».

Бошқа бир ривоятда:

«Бас, у озод қилинди. Унинг эри қул эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ихтиёрни унинг ўзига бердилар. У ўзини танлади (эридан ажраган ҳисоблади). Агар у (эр) ҳур бўлганида, унга (Барийрага) ихтиёрни бермас эдилар», дейилган.

Бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Барийра розияллоҳу анҳонинг ушбу қиссалари жуда ҳам машҳур бўлиб, у ҳадис илмининг кўпгина бобларида қайта-қайта зикр қилинади.

Барийра розияллоҳу анҳо ўз хожалари билан тўққиз увқия тиллани ҳар йили бир увқиядан бериб, тўққиз йилда адо этиб, озод бўлишга мукотаба қилдилар. Тасаввур қилиш учун бир увқия тилла 36,44 грамм эканлигини ҳам билиб қўйсак, яхши бўлади.

Барийра розияллоҳу анҳонинг Оиша онамиз билан танишликлари бор эди. Шунинг учун у кишидан бу ишда ёрдам сўрадилар.

Оиша онамиз Барийра розияллоху анҳо сўраган ёрдамдан кўра бир неча марта яхши таклифни қилдилар. Ишни тўққиз йилга чўзиб юрмасдан, бир йўла тўққиз увқия тиллани санаб бериб, Барийрани тезроқ озод қиладилар. Аммо бир шарт қўйдилар. Барийра розияллоху анҳонинг валоси – мероси Оиша онамизга бўлади.

Албатта, Барийра розияллоху анҳо бу таклифдан хурсанд бўлдилар ва хожаларига, ўзларининг таъбирлари билан айтганда «аҳлларига» бориб, бор гапни айтдилар. Улар эса «Вало бизга бўлмаса, бу таклифни ҳам, бошқа таклифни ҳам қабул қилмаймиз», дейишди.

Уларнинг бу гаплари Оиша онамизга ёқмади.

Шунда Барийра розияллоху анҳо «Ундай бўлса, бу иш бўлмас экан-да», деб, ноумид бўлиб, қайтиб кетдилар.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бўлиб ўтган ишнинг хабарини эшитдилар ва Оиша онамиздан нима гап бўлиб ўтганлиги ҳақида сўрадилар. Хабарни эшитиб, аччиқлари чиқди. У кишига бу хайрли ишни тезроқ амалга оширишни топширдилар. Ўзлари эса кечки пайт намоздан кейин хутба қилдилар. Хутбаларида валони деб, нотўғри шарт қўйиб, бир инсоннинг озод бўлишини кечга сураётган кишиларни қаттиқ танқид қилдилар.

Бу ривоятда Оиша онамиз Барийра озод бўлиб, эри қул бўйича қолганда Набий соллаллоху алайҳи васаллам Барийрага эрининг никоҳида қолиш-қолмаслик ихтиёрини берганликлари, Барийра эри билан қолмасликни ихтиёр қилганлиги ҳақида ҳам маълумот бермоқдалар.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан